



O'zbekiston Respublikasi  
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҶУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail: postda08@umail.uz • 2015-yil 19-dekabr, shanba • № 51(4152)

## Қарор ва ижро

### ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИГА АМАЛ ҚИЛИБ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирима уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорида юқоридаги жумлаларни учратиш мумкин. Умуман, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари жараёни, қабул қилинаётган қонун хужжатлари инсонпарварлик руҳи билан сугорилган.

Бунинг сабаби оддий. Чунки ҳалқимиз бағрикенг, кечиримли ҳалқ. Юртдошларимиз савоб иш қилишга шошилади, қоқилганни суважни, адашганга тўғри йўл кўрсатишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Шундай экан, миллий қонунчилигимиз ҳам қадриятларимизга ҳамоҳанг, уйгун бўлиши табиий ҳол.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Боз прокуратурасида Олий Мажлис Сенатининг ушбу қарори ижросига бағишлиб ўтказилган республика идоралараро йиғилишида ана шулар ҳақда сўз борди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Боз прокурори ўринбосари, 3-даражали Давлат адмия маслаҳатчиси Х. Ҳалимов очди ва олиб борди. Идоралараро йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари С. Ортикова, Олий суди раиси ўринбосари Қ. Тоғаев, Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник С. Нурматов, «Махалла» ҳайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Ж. Инагамов ва бошқалар сўзга чиқиши. Улар қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти устида тўхталишди. Амнистия актини амалга оширишда жамоатчилик назоратининг, ошкораликнинг, жараённи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишининг аҳамияти хусусида фикр юритишиди.

Шу ўринда қарорнинг иккى жиҳати устида алоҳида тўхталишни истардик. Биринчидан, унда афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиной жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят соҳидир эттан шахсларга нисбатан ушбу қарор татбиқ этилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Чунки кечиримлиликнинг қадрига етмаганин яна кечириш ҳайф. Хитой ҳалқида «Аҳмоқ бироннинг ёмонлигини кечирмайди ҳам, унумайди ҳам. Содда одам бошқаларнинг ёмонлигини кечириб, сўнг бутунлай унтиб юборади. Оқил одам эса ёмонликни кечиради, аммо унумайди» деган мақол бор. Бизнинг давлатимиз оқил одамлар сингари ана шундай оқилюна йўл тутади.

(Давоми 2-бетда).

## Осоийшталик посбонлари – ҳалқнинг таянчи ва суюнчи



### МАРДИ МАЙДОН ЎҒЛОНЛАР юрт корига камарбастадир

*Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, Тошкент вилоятида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Мамлакат миқёсида улкан ютуқларнинг кўлга киритилишига вилоят аҳли ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Буларнинг барчаси, биринчи наставатда, юртимизда ҳукм суроётган барқарорлик, тинчлик ва осойишталик туфайлидир.*

*Мамлакатимиз иқтисодиётida катта салоҳиятга, нуфузга эга бўлган Тошкент вилоятида кри-миноген вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, шубҳасиз, вилоят ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Буни чуқур англаб етган осойишталик посбонлари вилоят ҳудудида фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш, ҳар қандай кўринишдаги жиноят ҳамда ҳуқуқбузарларнинг олдини олиш, соҳидир этилгандарини фош этишда жонбозлик кўрсатиб келишаётir.*

*Газетамизнинг 8–9-саҳифаларидан ўрин олган материаллар орқали Тошкент вилояти ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари фаолияти билан танишишингиз мумкин.*



Самарқанд шаҳрининг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган вилоят ИИБ тиббиёт бўлумига қарашли госпиталнинг ишга тушганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, у аллақачон худудда ўз ўрнини топиб улгурди. Буғунги кунга келиб бу шифо масканида нафақат ички ишлар идоралари ходимлари, балки тизимда узок йиллар хизмат қилиб, ҳозирда кексалик гаштни суроётган фахрийлар ҳамда уларнинг оила аъзолари ҳам даволаниб, саломатлигини тикламоқда. Бу ерда кўрсатилаётган тиббий хизматлар барчага бирдек манзур бўлмоқда.

Госпиталга кириб борганимизда фойедаги дам олиш жойида бир гурух соҳа фахрийлари мириқиб сұхбатлашиб ўтиришган экан. Бир муддат уларга разм солдик. Тилида шукроналик, юзида мамнунлик аломати. Нега шундай бўлмасин, ахир, уларнинг саломатлиги учун қўли енгил шифоқорлар, ширинсухан ҳамширлар камарбаста. Гоҳида уларга шифобахш гиёҳлардан тайёрланган ичимликни тутиб:

— Кечагидек кўп ичиб қўйманг, отахон. Бўлмаса, қон босимингиз яна тушиб кетади, — дейди уларнинг соғлиғи учун қайғуриб.

— Кизим, бунинг жуда мазали бўлса нима қиласи, билмасдан кўп ичиб қўйман-да, — дея жавоб қайтаради фахрийлардан бири ҳазиломуз оҳангда.

Сұхбат асносида фахрийлар вилоятнинг турли худудларидан ташриф буюрганини билиб олдик. Бири тезкор хизматда, яна бири жамоат



тартибини сақлаш хизматида, бошқаси тергов тизимида фаолият кўрсатган.

— Авваллари даволаниш учун пойттахтдаги Марказий госпиталга боришимизга тўғри келарди, — дейди истеъ-

фодаги подполковник Раҳматилла Маърупов. — Яқинда ўзимизда ҳам госпитал ишга тушганини эшишиб, даволаниш учун келдик. Буни карангки, жуда ажойиб шифохона бўлибди. Яхши даволанаяпман. Шифокору ҳамширларнинг ширин муомаласидан кўнглим тўқ.

— Ўғлим, мен госпитал ходимларидан жуда миннатдорман, — дейди истеъфодаги майор Жўрақул Дўстов. — Бундай дейишимнинг сабаби бор. Бундан бир ҳафта олдин мен уйда бирданига кўз олдим қоронгула-

шиб, тобим қочиб қолди. Шундан кейин нима бўлганини билмайман. Кўзимни мана шу госпиталда очдим. Кейин билсан, қон босимим кўтарилиб кетгач, фарзандларим оғир аҳволда мени шу ерга олиб келишибди. Қўли дард кўрмасин, шифокорларнинг саъ-ҳаракати билан соғайдим, дунёга бошқача кўз билан қаряпман. Мени ҳаётга қайтаргани учун госпиталнинг барча ходимларига катта раҳмат!

Шифо масканини айланаби, бу ер баҳаволиги, озода ва ободлиги билан бошқа шу каби госпиталлардан сира ҳам қолиш маслигига амин бўлдик. Тоза ва саришта хоналар, кишининг баҳридилини очадиган кўм-кўк арчазор, доимо кулиб муомала қиласидан саломатлик посбонлари бу ерга шифо истаб келган ҳар қандай кишига малҳам бўлади деб бемалол айти оламиз.

— Госпитал фаолиятини бошлаганига кўп вақт

бўл-масада, ўтган даврда олдимизга кўйган мақсадга баҳоли курдат эришиб келяпмиз, — дейди врач-терапевт Маҳфузा Неъматова. — 40 ўринга мўлжалланган госпиталда асосан физиотерапия, ней-



рология бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, фитобар ҳам ташриф буюрувчилар хизматида.

Ха, госпиталда мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот тизимида самарали фаолият кўрсатиб, тинчлик ва осоишишта-

ликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшган, айни дамда нафақада бўлган ички ишлар идоралари ходимларига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Зотан, кексалар, пири бадав-

лат отахону онахонлар ҳурмат-эҳтиромда, уларни эъзозлаш халқимизга хос ажойиб фазилатлардандир.

**Фозил МАМАШАРИПОВ.**  
Самарқанд вилояти.  
**Шавкат ҚАҲХОРОВ**  
олган суратлар.

Пойтахтимизнинг Сергееви тумани ИИБ котибиятидан хурсанд ҳолда чиқиб кетаётган икки нафар онахоннинг ўзаро сұхбати эътиборимни тортид.

— Ички ишлар идоралари ходимларига минг раҳмат! Қаранг, тумандаги қанча ташкилотларга кириб-чиқмайдик. Ҳали у, ҳали бу деб овораи сарсон қилишибди. Сансоларлик роса жаҳлимиизни чиқарди. Охири, чиқмаган жондан умид, деб уч кун аввал бу ерга келиб, ариза ташлаб кетгандим. Кечаки бир гурух кишилар хонадонимга ташриф буюриб, олти ойда битмаган ишни бир зумда ҳал қилиб кетишибди. Муаммоломизга ечим топишга бош-кош бўлган ички ишлар идораси раҳбарларига миннатдорлик билдиргани келгандим, — деди улардан бири.

— Мен ҳам уларга раҳмат айтиб қайтаяпман. Тўғрисини айтсан, ички ишлар идоралари ходимлари биз каби инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи посбонларимиз эканидан фахрландим, — дея ҳамсуҳбатининг фикрига қўшилди иккинчиси.

## МАТОНАТ ВА ЛАТОФАТ СОҲИБАСИ

Турли масалада туман ИИБга мурожаат қилиб, муаммоси шу идора орқали ечим топган кишилар фақат юқоридагилар эмас. Тайқидлашларича, жорий йилнинг ўтган даврида 1850 нафар фуқаро ариза билан бу ерга мурожаат этган бўлса, барчасининг илтимоси ижобий ҳал этилган.

Юқоридаги мисол ва рақамларга алоҳида эътибор қаратилганинг боиси бор: фуқаролардан қабул қилиб олинаётган ариза ва шикоятларни шунингдек, ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда раҳбари топшириқларини тегишли тартибда ижрочиларга етказиш, уларнинг ижросини назоратга олиш, котибиятда хизмат вазифасини бажараётган ходимлардан алоҳида масъулиятни талаб қиласи.

Фуқароларнинг шикоят ва аризалари ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда

бошқа топшириқларнинг ижроси муддатида бажаришини яхши тушунадиган Сергели тумани ИИБ котибияти катта иш юритувчisi, сафдор Феруза Ҳамдамова учун бу тартиб-



коида янгилик эмас. Чунки у кўп йиллардан бўён котибиятда хизмат вазифасини бажариш жараёнида бой тажриба ортириб, ўз соҳасининг устасига айланган.

Ана шунинг учун ҳам раҳбарият ва шахсий таркибнинг ҳурматини қозонган.

Тўғри, дастлабки фаолиятида кўплаб ёш ходимлар сингари хизматнинг сирасорорини мукаммал ўзлаштириши осон кечмади. Бу жараёнда унга ҳамкашиби, котибият бошлиғи, сафдор Нодирахон Юлдашева яқиндан ёрдам берди.

Гапнинг рости, эндиликда котибиятга юклитилган вазифаларни бекам-кўст адо этишда унинг олдига тушадигани бўлмаса керак. Ҳалқимизда «Иш боши – интизом» деган гап бор, ана шу қоиданинг нечоғли тўғри эканини сафдор Ф. Ҳамдамова фаолиятида яққол кўриш мумкин. Аввало, иш кабинети ҳамиша саронжом-саришта. Ҳатлар ва мурожаатлар, буйруқлар китоблари жой-жойида турди. Котибиятдан бирор мълумот сўралса, қисқа муддатда белгиланган шаклда тай-

ёрлаб берилади. Шу боисдан барча ходимлар ундан ўрнак олишига интилишади.

Дарвоқе, котибиятдаги тартиб-интизом ва иш юритиши услуби туман ИИБ раҳбарияти томонидан бир неча бор шахсий таркибга ибрат қилиб кўрсатилган. Ўз касбининг фидойиси фақат котибият иши билан чекланниб қолмасдан, касбга оид турли қизиқарли тадбирларни ўтказишига ҳам бошқашош. «Балли, қизлар!», «Соҳамиз билимдонлари», «Орасталик», «Касбим – фахрим» каби хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

— Котибиятдаги тартиб-интизом ва ходимларнинг ўз вазифаларини талаб даражасида уддалаётганидан мамнунмиз, — дейди туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Қодиржон Ботиров. — Сафдорлар Ф. Ҳамдамова ҳамда Н. Юлдашева зиммаларига юклитилган барча вазифаларни сидқидилдан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқда.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
**Шавкат ҚАҲХОРОВ**  
олган сурат.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinnbosari – Qobiljon SHOKIROV  
Mas'ul kotib v.b. – Zokir BOLTAYEV  
Navbatchi – Inomjon RAHIMXO'JAYEV  
Sahifalovchi – Rustam ISOQULOV  
Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR:  
231-33-88;  
Faks: 254-18-79.  
Обуна бўйича:  
231-48-81;  
95-177-32-31  
ISSN 2010-5355  
917720105350011

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001,  
MFO 00420. ATIB «Ipotekabank»  
Mirobod tuman bo'limi. INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlari egasiga qaytarilmaydi.  
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.  
«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №S-4686. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 69436 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirildi – 23.00. Sotuvda kelishilgan narxa.

**MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.**